
Сертификатга эга ўқитувчиларга ҳар ой қўшимча устамалар тўланади Президент фармони билан 2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастур тасдиқланди. Бу ҳақда ЎзА [хабар бермоқда](#).

Унга кўра, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Халқ таълими вазирлиги тизимидағи умумий ўрта таълим муассасаларида:

умумтаълим фанлари бўйича тегишли даражадаги сертификатга эга бўлган педагог кадрларга ҳар ойлик қўшимча устама қўйидаги тартибда тўланади:

- халқаро тан олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга - уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорида;
- халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган миллий баҳолаш тизимида олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга - уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорида. Бунда, миллий баҳолаш тизимининг халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши ваколатли халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланган бўлиши лозим;
- халқаро стандартларга жавоб бериши тан олинмаган ДТМнинг миллий баҳолаш тизимида олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга - уларнинг тариф ставкасига нисбатан 20 фоиз миқдорида (чет тили бўйича сертификатлар бундан мустасно);
халқаро стандартларга жавоб бериши тан олинмаган ДТМнинг миллий баҳолаш тизимида чет тили бўйича олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга ҳар ойлик қўшимча устама:
 - 2025 йил 1 январга қадар - уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорида;
 - 2025 йил 1 январдан бошлаб - уларнинг тариф ставкасига нисбатан 20 фоиз миқдорида тўланади;

ҳар ойлик қўшимча устама сертификат амал қилиш муддати давомида, лекин уч йилдан кўп бўлмаган вақт мобайнида тўланади;
умумтаълим фанлари бўйича бир нечта сертификатга эга бўлган педагог кадрларга ҳар ойлик қўшимча устама фақат биттасига — юқорироқ устама олиш хуқуқини берувчи сертификат [бўйича тўланади](#).

2022-05-13 09:18:54